

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ОЗУҚАНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ АЙРИМ
МОДДАЛАРНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН МАКСИМАЛ ДАРАЖАЛАРИГА ДОИР
САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИНИ
(0095-25-сон СанҚваН) ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 4 августда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 365]**

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 апрелдаги ПФ-67-сон «Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **Фармони** ва 2023 йил 2 июндаги ПК-181-сон «Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги **қарорига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қарор қилади:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0095-25-сон СанҚваН) **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан олти ой ўтгач кучга киради.

Раис Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 июнь,
15 сон

Келишилди:

Қишлоқ хўжалиги вазири И. АБДУРАХМОНОВ

2025 йил 13 май

Савдо-саноат палатаси раиси Д. ВАХАБОВ

2025 йил 7 май

**Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил ўринбосари Ж. УРУНОВ**

2025 йил 3 май

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2025 йил 20 июндаги 15-сон **қарорига**
ИЛОВА

**Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат
этилган максимал даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена
нормативлари (0095-25-сон СанҚваН)**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаларига доир санитария-гигиена талабларини белгилайди.

Ушбу санитария қоидалари озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қўлланилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур санитария қоидаларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

озиқ-овқат маҳсулотлари — озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоғолли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

озуқа — ҳайвонларни озиқлантириш учун фойдаланиладиган, келиб чиқиши ўсимлик ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар;

ифлослантирувчи айрим моддалар — озиқ-овқат маҳсулоти таркибига қасддан киритилмаган ва озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳар қандай биологик, кимёвий ёки физик моддалар, шу жумладан, организмлар, микроорганизмлар, уларнинг қисмлари ёки маҳсули;

рухсат этилган максимал даража (бундан буён матнда РЕМД деб юритилади) — озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқада бўладиган муайян таъсир этувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори даражаси.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасига** мувофиқ бўлиши керак.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа муомаласи билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар ушбу санитария қоидалари билан белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини таъминлашлари ва озиқ-овқат занжирининг барча босқичларида тегишли ишлаб чиқариш амалиётларини қўллаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддалар билан ифлосланишини олдини олиш чораларини кўришлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддалар миқдорини камайтиришлари шарт.

2-боб. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсига доир санитария-гигиена талаблари

4. Мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини белгилашда улар илмий асослантирилиши ва ундаги РЕМДнинг энг паст миқдорлари ҳисобга олиниши лозим.

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини белгилашда ҳар бир модданинг хавфлилиқ даражаси алоҳида баҳоланилиши керак.

6. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси ошиб кетса, ифлосланишга қарши курашишнинг технологик имкониятлари ҳисобга олиниши зарур.

7. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини белгилашда қуйидаги маълумотлар тўпланиши лозим:

токсикологик маълумотлар (заҳарли моддаларни аниқлаш, одам ва ҳайвонларда моддалар алмашинуви, токсикокинетика ва токсикодинамика, шу жумладан заҳарли модданинг озуқадан истеъмол қилинадиган ҳайвон тўқималарига ўтиши, ўтқир ва узоқ муддатли заҳарланиш, ифлослантирувчи айрим моддаларнинг келиб тушиш даражаси мақбуллиги ва хавфсизлиги ҳақидаги маълумотлар);

таҳлилий маълумотлар (таҳлил учун олинган намуналарнинг тасдиқланган сифат ва миқдор кўрсаткичлари, намуна олишнинг тегишли тартиб-қоидалари ҳақидаги маълумотлар);

истеъмол ҳақидаги маълумотлар (овқатланиш рақибларидаги озиқ-овқат маҳсулотларида ифлослантирувчи айрим моддаларнинг мавжудлиги, худди шундай озуқа ва унинг таркибий қисмларида ҳам ифлослантирувчи айрим моддаларнинг мавжудлиги ҳамда овқатланиш рақиблари ўрганиш натижалари);

технологик маълумотлар (ифлослантирувчи айрим моддалар манбаи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқанинг қандай ифлосланиши ҳамда ифлосланиш озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқанинг айрим қисмларида мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотлар).

8. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини белгилашда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини аниқ белгилаш лозимлиги;

ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини таҳлил қилиш учун усулларнинг мавжудлиги;

ифлослантирувчи айрим моддаларни миқдорий аниқлашнинг аналитик чегараси, яъни намунадаги ифлослантирувчи айрим моддаларни энг кичик миқдори (концентрацияси) аниқланиши;

озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқани қуритиш ёки суюлтириш жараёни натижасида ифлослантирувчи айрим моддалардаги миқдорининг (концентрациясининг) ўзгариши;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ингредиентларнинг нисбатини аниқланилиши.

9. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлосланиш манбаларини камайитириш учун ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани сифатини назорат қилишда Алиментариус Кодексининг тавсияларига риоя қилиниши тавсия этилади.

10. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси яхши қишлоқ хўжалиги (ГАП) ва ишлаб чиқариш амалиёти (ГМП) тамойиллари асосида белгиланиши керак.

11. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқаларни ифлослантирувчи айрим моддаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси ўлчаларни бажариш услубиёти реестрида келтириб ўтилган усуллар орқали амалга оширилиши лозим.

3-боб. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқани қуритишда, суюлтиришда ва қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсига доир санитария-гигиена талаблари

12. Ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасида келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқани (шу жумладан бир нечта ингредиентли озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани) қуритишда, суюлтиришда ва қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсини белгилашда қуйидагилар аниқланиши лозим:

қуритишда, суюлтиришда ва қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг миқдори;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ингредиентларнинг ўзаро нисбати;

ифлослантирувчи айрим моддаларни миқдорий аниқлашнинг аналитик чегараси, яъни намунадаги ифлослантирувчи айрим моддаларни энг кичик миқдори (концентрацияси).

13. Давлат санитария назорати тадбирлари ўтказилаётганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа муомаласи билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқани қуритишда, суюлтиришда ва қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг концентрациясини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига тақдим этиши ҳамда асослаб бериши лозим.

14. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқани қуритишда, суюлтиришда ва қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси белгиланмаган бўлса, уларни белгилаш мазкур санитария қоидаларининг 13-бандда келтирилган талабларга асосан амалга оширилиши керак.

4-боб. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа муомаласидаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДсига доир санитария-гигиена талаблари

15. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган кўрсаткичлардан юқори бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқанинг таркибий қисми ингредиент сифатида ишлатилмаслиги лозим.

16. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДСидан ортиқ бўлса, уларни бири-бири билан аралаштиришга йўл қўйилмайди.

17. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДСини камайтириш мақсадида саралаш ёки бошқа механик ишлов бериш жараёнида истеъмол қилишга яроқли озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа билан аралаштирилишига ёхуд истеъмол қилишга яроқли озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқага таркибий қисм сифатида ишлатилишига йўл қўйилмайди.

Агарда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган кўрсаткичлардан юқори бўлмаса ва тегишли ишлов бериш жараёнида бошқа зарарли моддаларнинг қолдиқлари ҳосил бўлмаса бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани истеъмол қилишига ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа билан аралаштирилишига ҳамда унинг таркибий қисми сифатида ишлатилишига рухсат берилади.

18. Мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** кўрсатилган микотоксинларни ўз ичига олган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси ошиб кетмаслиги ёки янги ифлослантирувчи моддалар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида ифлослантирувчи айрим моддаларни кимёвий қайта ишлаш орқали зарарсизлантиришга йўл қўйилмайди.

19. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа қуйидаги ҳолларда муомалага чиқаришга йўл қўйилади:

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган миқдорлардан ошмаса;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа инсон ва ҳайвонларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса ҳамда токсинларни ўзида тўпланишига олиб келмаса.

20. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа қуйидаги ҳолларда муомалага чиқаришга йўл қўйилмайди:

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги ифлослантирувчи айрим моддаларнинг РЕМДси мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган миқдорлардан юқори бўлса;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа инсон ва ҳайвонларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирса ҳамда токсинларни ўзида тўпланишига олиб келса.

21. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқалардаги ифлослантирувчи айрим моддаларни камайтириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа муомаласи билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар томонидан доимий тарзда мониторинг қилиб борилиши керак.

22. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқада инсон ва ҳайвонларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган ифлослантирувчи айрим моддалар аниқланганда, қуйидаги хавфни баҳолаш чоралари амалга оширилиши керак:

хавфни идентификация қилиш (озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқада айнан қайси ифлослантирувчи модда борлигини аниқлаш);

хавфлилик даражасини баҳолаш (ифлослантирувчи модда саломатликка қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш);

хавф таъсирини баҳолаш (организмга айнан қанча миқдорда ифлослантирувчи модда кириб боришини ўрганиш);

хавф таъсирини таҳлил қилиш (ифлослантирувчи модданинг таъсир бўйича маълумотларни умумлаштириш).

23. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати ушбу санитария қоидаларининг 2-иловасида келтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (0095-25-сон СанҚваН)
1-ИЛОВА

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаси

1. Нитратлар

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, mg NO ₃ /kg	Изоҳ
1.1.	Янги исмалоқ (<i>Spinacia oleracea</i>)	3 500	РЕМД қайта ишланадиган ва далалардан қайта ишлаш корхоналарига қадоқланмаган ҳолда олиб бориладиган янги исмалоққа тааллуқли эмас
1.2.	Консерваланган ёки музлатилган исмалоқ	2 000	
1.3.	Янги салат барги (<i>latuca sativa</i>) (ёпиқ ва очик тупроқда) етиштирилган)	5 000	1 октябрдан 31 мартгача ёпиқ тупроқда етиштирилган йирик япроқли янги салат барги
		4 000	1 апрелдан 30 сентябргача очик тупроқда етиштирилган йирик япроқли янги салат барги
		4 000	Ёпиқ тупроқда етиштирилган салат барги
		3 000	Очик тупроқда етиштирилган салат барги
1.4.	«Айсберг» салат барги	2 500	Ёпиқ тупроқда етиштирилган салат барги
		2 000	Очик тупроқда етиштирилган салат барги
1.5.	Руккола (<i>eruca sativa</i> , <i>diplotaxis sp.</i> , <i>brassica tenuifolia</i> , <i>sisymbrium tenuifolium</i>)	7 000	1 октябрдан 31 мартгача бўлган ҳосил
		6 000	1 апрелдан 30 сентябргача бўлган ҳосил
1.6.	Мева, сабзавот ва аралаш (гўшт-ўсимлик ҳамда мева-сабзавот) асосидаги кўшимча овқатланиш маҳсулотлари, шунингдек, кичик ёшдаги болалар учун мева ва (ёки) сабзавотлардан тайёрланган шарбат маҳсулотлари	200	РЕМД тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун белгиланади
1.7.	Картошка*	250	
1.8.	Оқ карам*	900	Эрта ҳосил (1 сентябргача)
		500	Кечки ҳосил
1.9.	Сабзи	400	Эрта ҳосил (1 сентябргача)
		250	Кечки ҳосил
1.10.	Томат пастаси*	150	
1.11.	Бодринг*	300	Ҳимояланган тупроқ

		150	Очиқ тупрок
1.12.	Лавлаги*	1400	
1.13.	Пиёз*	80	
1.14.	Кўк пиёз	800	Ҳимояланган тупрок
		600	Очиқ тупрок
1.15.	Баргли сабзавотлар	3000	Ҳимояланган тупрок
		2000	Очиқ тупрок.
1.16.	Қовун*	90	
	Тарвуз*	60	
1.18.	Булғор қалампири*	400	Ҳимояланган тупрок
		200	Очиқ тупрок
1.19.	Қовоқча* (кабачки)	400	
1.20.	Қовоқлар*	200	Консерваланган болалар озиқ-овқатини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

** Изоҳ: ушбу маҳсулотлар нитратларининг РЕМДси Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги технологиялари ва қўлланиладиган ўғитларни ҳисобга олган ҳолда, экинларнинг хусусиятларини (масалан, ўсиш суръати, азотли ўғитларни ҳаддан ташқари ишлатиш билан нитратларни тўплаш қобилияти ва бошқалар) инобатга олган ҳолда белгиланган.*

2. Микотоксинлар

2.1 Афлотоксинлар

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, µg/kg			Изоҳ
		B1	Умумий микдор B1, B2, G1 ва G2	M1	
2.1.1.	Ёнғоқ ва ерёнғоқ ҳамда бошқа мойли ўсимликларнинг уруғлари	8,0	15,0	-	Мазкур бандда дарахтларда ўсадиган ёнғоқ ва ерёнғоқнинг истеъмол қилиниши мумкин бўлган қисмлари учун РЕМД кўрсатилган (Бразилия ёнғоқлари бундан мустасно), агар ёнғоқ ва ерёнғоқда тадқиқот синовлари ўтказилганда афлатоксин таркибини ҳисоблашда барча ифлослантирувчи моддалар истеъмол қилинадиган қисмига тўғри келиши ҳисобга олиниши лозим. Ёнғоқ ва ерёнғоқ истеъмол қилишдан олдин ёки таркибий қисм сифатида фойдаланишдан олдин сараланиши ёки физик ишлов берилиши керак (ёнғоқ ва ерёнғоқдан

					ўсимлик мойини тайёрлаш жараёни бундан мустасно)
2.1.2.	Ягона ингредиент сифатида ишлатиладиган ёки бевосита истеъмол қилинадиган ерёнғок	2,0	4,0	-	Ерёнғокдан тайёрланадиган ўсимлик мойларига тааллуқли эмас
2.1.3.	Дарахт ёнғоқлари	5,0	10,0	-	Истеъмол қилишдан ёки таркибий қисм сифатида фойдаланишдан олдин сараланиши ёки бошқа механик ишлов берилиши керак бўлган дарахт ёнғоқлари
2.1.4.	Дарахт ёнғоқларидан қайта ишлаш орқали олинадиган маҳсулотлар	2,0	4,0	-	Таркибий қисм сифатида ишлатиладиган ёки бевосита истеъмол учун мўлжалланган дарахт ёнғоқлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари
2.1.5.	Бодом, pista ва ўрик мағзи	12,0	15,0	-	Истеъмол қилинишидан ёки таркибий қисм сифатида ишлатилишидан олдин бодом, pista ва ўрик мағзи сараланиши ёки бошқа турдаги физик ишлов берилиши лозим.
2.1.6.	Бодом, pista ва ўрик мағзи	8,0	10,0	-	Бевосита истеъмол ёки таркибий қисм сифатида фойдаланиш учун мўлжалланганда
2.1.7.	Фундук ва Бразилия ёнғоғи	8,0	15,0	-	Истеъмол қилинишидан ёки таркибий қисм учун ишлатилишидан олдин сараланиши ёки бошқа турдаги физик ишлов берилиши лозим
2.1.8.	Фундук ва Бразилия ёнғоғи	5,0	10,0	-	Бевосита истеъмол ёки таркибий қисм сифатида фойдаланиш учун мўлжалланганда
2.1.9.	Қуритилган мевалар	5,0	10,0	-	Истеъмол қилинишидан ёки таркибий қисм учун ишлатилишидан олдин сараланиши ёки бошқа турдаги физик ишлов

					берилиши лозим, (бундан қуритилган анжир мустасно)
2.1.10.	Қуритилган мевалар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари	2,0	4,0	-	Бевосита истеъмол ёки таркибий қисм сифатида фойдаланиш учун мўлжалланганда (анжир мустасно)
2.1.11.	Барча дон ва дон экинлари	2,0	4,0	-	Барча экинлардан (дон экинларидан) олинган маҳсулотлар, шу жумладан донни қайта ишлаш маҳсулотлари (2.12, 2.15 ва 2.17-бандларида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно)
2.1.12.	Маккажўхори ва гуруч	5,0	10,0	-	Истеъмол қилинишидан ёки таркибий қисм сифатида ишлатилишидан олдин сараланиши ёки бошқа физик ишлов берилиши лозим
2.1.13.	Маккажўхори уни, шрот (ёнғоқ ва унинг мағзидан ёғ олинишидан қолган қолдиқ), ёрмалар, маккажўхоридан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари	-	5,0	-	
2.1.14.	Қайта ишлаш учун мўлжалланган маккажўхори дони	-	10	-	
2.1.15.	Хом сут	-	-	0,5	Иссиқлик билан ишланган сут ва асоси сут бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади
2.1.16.	Булғор қалампир (<i>capsicum spp</i>) (унинг қуритилган уруғлари, бутун ёки майдаланган, шу жумладан чили, майдаланган чили, каён қалампири ва ширин булғор қалампири кукуни), қалампир (<i>piper spp.</i>) (уларнинг уруғлари,	5,0	10,0	-	Ушбу бандда кўрсатилган бир ёки бир нечта зираворларни ўз ичига олган зиравор аралашмалари ҳам инобатга олиниши лозим

	шу жумладан оқ ва кора қалампир доналари), мускат ёнғоғи (<i>myristica fragrans</i>), занжабил (<i>zingiber officinale</i>), куркума (<i>curcuma longa</i>)				
2.1.17.	Занжабил	5,0	10,0	-	
2.1.18.	Таркибида дон ва мева таркибий қисмларни ўз ичига олмайдиган қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари	0,10	5,0	-	РЕМД қуруқ моддалар учун кўрсатилган (сут маҳсулотлари бундан мустасно)
2.1.19.	Гўдаклар учун бошланғич (дастлабки) озиқ-овқат аралашмалари ва болалар учун овқатлантиришга мўлжалланган озиқ-овқат аралашмалари, жумладан, дастлабки сут асосидаги аралашмалар ҳамда озиқ-овқат аралашмалари	-	-	0,025	РЕМД тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун кўрсатилган
2.1.20.	Гўдаклар учун мўлжалланган махсус тиббий мақсадлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари	0,10	-	0,025	РЕМД қуруқ моддага ҳамда тайёр сут ва сут маҳсулотлари ва ундан ташқари бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланади
2.1.21.	Қуритилган анжир	6,0	10,0	-	

2.2. Дезоксиниваленол

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, µg/kg	Изоҳ
2.2.1.	Қайта ишланмаган бошоқли донлар (донли экинлар)	1 250	РЕМД дастлабки ишлов бериш учун сотувга чиқарилган қайта ишланмаган дон (дон экинлари) учун қўлланилади
2.2.2.	Қайта ишланмаган қаттиқ навли буғдой, қайта ишланмаган сули ва маккажўхори	2 000	РЕМД дастлабки қайта ишлаш учун сотувга чиқарилган қайта ишланмаган дон (дон экинлари) учун қўлланилади

2.2.3.	Бевосита истеъмол учун мўлжалланган дон ва дон экинлари ҳамда ундан қилинган ун, манний ёрмаси, кепак ва озиқ-овқат маҳсулоти сифатида бевосита истеъмол учун сотиладиган уруғлар	1 000	
2.2.4.	Макаронли маҳсулотлар (қуруқ ҳолатдаги)	750	Макарон маҳсулотлари (қуруқ ҳолатдаги) дейилганда намлик миқдори тахминан 12% бўлган макарон маҳсулотлари тушунилади
2.2.5.	Нон, қандолатчилик учун ун маҳсулотлари, бисквитлар, дон асосли газаклар (ғалла экинлари) ва дон асосидаги тайёр (қуруқ) нонушта маҳсулотлари (ғалла экинлари)	500	
2.2.6.	Бевосита истеъмол учун мўлжалланмаган маккажўхори уни	1 250	
2.2.7.	Бевосита истеъмол учун мўлжалланмаган майдаланган ун маҳсулотлари	750	
2.2.8.	Сут маҳсулотларидан ташқари, дон таркибий қисмларини ўз ичига олмаган қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари	200	РЕМД қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари учун кўрсатилган

2.3. Фумонизинлар

Т/р	Маҳсулот номи	В1 ва В2 нинг умумий миқдори РЕМД, µg/kg	Изоҳ
2.3.1.	Қайта ишланмаган маккажўхори дони	4 000	РЕМД дастлабки қайта ишлаш учун сотувга чиқарилган маккажўхори донига нисбатан қўлланилади (бундан нам майдалаш усули билан қайта ишлаш учун мўлжалланган маккажўхори дони бундан мустасно)
2.3.2.	Бевосита истеъмол қилиш учун мўлжалланган маккажўхори ва	2 000	

	маккажўхори асосида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари		
2.3.3.	Маккажўхори асосидаги тайёр (қурук) нонушталар ва маккажўхоридан тайёрланган енгил газаклар	800	
2.3.4.	Фақат маккажўхоридан тайёрланган қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари	200	Бунда, қурук моддалар учун РЕМД кўрсатилган
2.3.5.	Бевосита истеъмол қилиш учун мўлжалланмаган маккажўхори ёрмаси маҳсулотлари	2 000	Заррачаларининг ўлчами >500 мкм бўлган маккажўхори ёрмаси ва бўлакчаларининг ўлчами >500 мкм бўлган маккажўхори ёрмаси маҳсулотлари
2.3.6.	Бевосита истеъмол қилиш учун мўлжалланган маккажўхорини майдалашдан олинган маҳсулотлар	2 000	Заррачалар ўлчами ≤ 500 мкм ва ундан кичик бўлган маккажўхори ёрмаси, заррачалар ўлчами ≤ 500 мкм ва ундан кичик бўлган маккажўхорини майдалашдан олинган маҳсулотлар

2.4. Охратоксин А

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, µg/kg	Изоҳ
2.4.1.	Қайта ишланмаган дон ва дон экинлари	5,0	РЕМД қайта ишланмаган дон экинларига нисбатан қўлланилади.
2.4.2.	Бевосита истеъмол учун мўлжалланган қайта ишланмаган дон ва дон экинларидан олинган барча маҳсулотлар, шу жумладан қайта ишланган дон маҳсулотлари (дон экинлари)	3,0	Ишлов берилмаган дон ва дон экинларидан олинган маҳсулотлар таркибида камида 80% дон маҳсулотлари мавжуд бўлган маҳсулотларни ўз ичига олади
2.4.3.	Қуритилган узум мевалари (майиз, қора уруғсиз майиз, кишмиш)	10,0	
2.4.4.	Қовурилган ва майдаланган қаҳва доналари	5,0	
2.4.5.	Эрийдиган қаҳва	10,0	

2.4.6.	Вино ва мевали шароб спиртли ичимликлари	2,0	РЕМД 2005-йилда ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган вино ва мевали шароб спиртли ичимликларга нисбатан қўлланилади (алкогол миқдори камида 15% бўлган вино ва мевали шароб спиртли ичимликлар бундан мустасно)
2.4.7.	Хушбўй вино ва бошқа спиртли ичимликлар асосидаги хушбўй шаробли коктейллар	2,0	РЕМД 2005-йилда ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган хушбўй шаробли коктейлларга нисбатан қўлланилади. Бунда, РЕМД тайёр маҳсулотда мавжуд бўлган хушбўй вино ва бошқа спиртли ичимликларнинг улушига боғлиқ
2.4.8.	Истеъмол учун мўлжалланган узум шарбати, қайта тикланган концентрланган узум шарбати, узум нектарлари, узумни табиий пресслаш оқибатида ажралган шарбат ва концентрланган узум шарбати	2,0	РЕМД 2005-йилда ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган узум шарбати, қайта тикланган концентрланган узум шарбати, узум нектарлари, узумни табиий пресслаш оқибатида ажралган шарбат ва концентрланган узум шарбатига нисбатан қўлланилади
2.4.9.	Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун дон маҳсулотлари асосида тайёрланган қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари	0,50	РЕМД истеъмолга чиқариладиган маҳсулотнинг курук моддасига нисбатан қўлланилади
2.4.10.	Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларга махсус тибиий мақсадлар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари	0,50	РЕМД сут, сут маҳсулотлари ва уларга ўхшаш маҳсулотлар учун истеъмолга тайёр ҳолда қўлланилади. РЕМД сут, сут маҳсулотлари ва уларга ўхшаш бўлмаган маҳсулотлар учун эса курук моддага нисбатан қўлланилади

2.4.11.	Зираворлар турлари, шу жумладан куритилган зираворлар:		
	Қалампир (<i>piper spp.</i>) (унинг уруғлари, шу жумладан оқ ва қора қалампир), мускат ёнғоғи (<i>myristica fragrans</i>), занжабил (<i>zingiber officinale</i>), куркума (<i>curcuma longa</i>)	15	
	Қалампир (<i>capsicum spp</i>) қалампирнинг куритилган мевалари, бутун ёки майдаланган, шу жумладан чили, чили кукуни, қизил Каен қалампири ва паприка	20	
	Юқоридагилардан бирини ўз ичига олган зираворлар аралашмалари	15	
2.4.12.	Истеъмол учун чиқарилмайдиган буғдой глютен (клейковинаси)	8,0	

2.5. Патулин

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг	Изоҳ
2.5.1.	Мева шарбатлари, концентрланган мева шарбатлари, қайта ишланган ва мева нектарлари	50	
2.5.2.	Олмадан олинган ёки таркибида олма шарбати бўлган алкоғолли ичимликлар, сидр ва бошқа ферментланган ичимликлар	50	Сидр — олма, камрок нок ёки беҳи шарбатини маданий хамиртуруш қўшиб ёки табиий йўл билан ачитиш натижасида олинадиган кам алкоғолли ичимлик ҳисобланади
2.5.3.	Истеъмол қилиш учун мўлжалланган олма маҳсулотлари, шу жумладан олма компоти ва олма пюреси	25	2.5.4 ва 2.5.5-бандларда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно
2.5.4.	Олма шарбати ва олмадан тайёрланган озиқ — овқат маҳсулотлари, шу жумладан олма компоти ва олма пюреси, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун маркировкаланган ва шу	10,0	РЕМД истеъмолга тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун белгиланади

	ҳолатда сотувга чиқариладиган маҳсулотлар		
2.5.5.	Қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари	10,0	РЕМД тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари учун белгиланади (бундат, дон ва дон экинлари асосидаги қўшимчалар ҳамда мева таркибий қисмлари бўлмаган бошқа қўшимчалар мустасно)

2.6. Зеораленон

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, $\mu\text{г/кг}$	Изоҳ
2.6.1.	Қайта ишланмаган дон ва дон экинлари	100	РЕМД дастлабки қайта ишлаш учун сотувга чиқарилган қайта ишланмаган дон ва дон экинларига нисбатан қўлланилади (бундан, маккажўхори дони мустасно)
2.6.2.	Ишлов берилмаган маккажўхори донлари	350	РЕМД дастлабки қайта ишлаш учун сотувга чиқарилган қайта ишланмаган дон ва дон экинларига нисбатан қўлланилади (бундан, нам усулда майдалаш (крахмал ишлаб чиқариш) жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган ишлов берилмаган маккажўхори донлари мустасно)
2.6.3.	Якуний истеъмолчи учун сотувга чиқариладиган дон маҳсулотлари, дондан тайёрланган ун, манний ёрма, кепак ва уруғлар	75	2.6.6 — 2.6.9 бандларда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно
2.6.4.	Рафинирланган (ҳидсиз ва таъмсиз) маккажўхори мойи	400	
2.6.5.	Нон, дон (ғалла экинлари) асосидаги қандолат маҳсулотлари, бисквитлар, дон (ғалла экинлари) асосидаги энгил газаклар ва дон (ғалла экинлари) асосидаги тайёр (курук) нонушталар	50	Маккажўхори асосидаги энгил газаклар ва маккажўхори асосидаги тайёр (курук) нонушталар бундан мустасно

2.6.6.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган маккажўхори, маккажўхори асосидаги енгил газаклар ва курук нонушталар	100	
2.6.7.	Дон таркибли ингредиентларни ўз ичига олмаган қўшимча овқатланиш маҳсулотлари	20	РЕМД курук моддалар учун белгиланади (бундан сут маҳсулотлари мустасно)
2.6.8.	Бевосита истеъмол қилишга мўлжалланмаган маккажўхорини майдалашдан олинган маҳсулотлар	200	Заррачаларининг ўлчами >500 мкм дан катта бўлган маккажўхори ёрмаси ва бўлакчаларининг ўлчами >500 мкмдан катта бўлган, бевосита истеъмол қилишга мўлжалланмаган маккажўхорини майдалашдан олинган маҳсулотлар учун
2.6.9.	Маккажўхори ёрмаси ҳамда бевосита истеъмол қилинмайдиган, маккажўхорини майдалашдан олинган маҳсулотлар	300	Заррачалар ўлчами ≤ 500 мкм ва ундан кичик бўлган маккажўхори ёрмаси ҳамда бевосита истеъмол қилинмайдиган, заррачалар ўлчами ≤ 500 мкм ва ундан кичик бўлган маккажўхорини майдалашдан олинган бошқа маҳсулотлар учун

2.7. Ситринин

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мкг/кг	Изоҳ
2.7.1.	Қизил хамиртуруш (<i>monascus purpureus</i>) билан ферментланган гуручга асосланган парҳез қўшимчалари	100	

2.8. Спориниянинг склеротсийси ва спориниянинг алкалоидлари

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД	Изоҳ
Спориниянинг склеротсийси, г/кг			
2.8.1.	Ишлов берилмаган дон экинлари	0,2	РЕМД дастлабки қайта ишлаш учун сотувга чиқарилган қайта ишланмаган дон ва дон экинларига нисбатан қўлланилади (бундан, нам усулда майдалаш

			(крахмал ишлаб чиқариш) жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган ишлов берилмаган маккажўхори донлари учун амал қилиниб, маккажўхори ва гуруч бундан мустасно)
Спориниянинг алкалоидлари, мкг/кг			
		Йиғиндининг қуйи чегараси эргокорнин/эргокорнинин; эргокристин/эргокристинин; эргокриптин/эргокриптинин (α - ва β -шакллари); эргометрин/эргометринин; эргозин/эргозинин; эрготамин/эрготаминин	Спориниянинг алкалоидлари учун энг юқори миқдорлар қуйи чегаравий концентрацияларга тааллуқли бўлиб, миқдорий аниқлаш чегарасидан паст бўлган барча қийматлар нолга тенг деб қаралади ва шу тахминга асосланиб ҳисобланади
2.8.2.	Арпа, буғдой, ўсимлик ва жўхори ун тегирмонида майдалаш маҳсулотлари	100	Қолдиқ миқдори 900 мг/100 г куруқ моддадан кам бўлган миқдор
2.8.3.	Арпа, буғдой, ўсимлик ва жўхори ун тегирмонида майдалашдаги маҳсулотлар, якуний истеъмолчи учун мўлжалланган арпа, буғдой, шингил ва жўхори доналари	150	Қолдиқ миқдори 150, 900 мг/100 г куруқ моддага тенг ёки ундан кўп бўлган арпа, буғдой, ўсимлик ҳамда жўхори уни, шунингдек тегирмонда майдалаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар
	Майдаланган ва якуний истеъмолчи учун мўлжалланган жавдар	500	
2.8.4.	Буғдой клейковинаси	400	
2.8.5.	Гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар учун донли маҳсулотлардан тайёрланган қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари	20	РЕМД сотувга чиқарилган маҳсулотга нисбатан қўлланилади

3. Ўсимлик токсинлари

3.1. Эрукова кислотаси, шу жумладан ёғ билан боғланган эрукова кислотаси

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, г/кг	Изоҳ
3.1.1.	Якуний истеъмолчи учун ёки озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий қисми сифатида	20,0	3.1.2-бандда кўрсатилган маҳсулот бундан мустасно

	фойдаланиш учун мўлжалланган ўсимлик мойлари ва ёғлар		
3.1.2.	Камелина ёғи, хантал ёғи ва бораго ёғи	50,0	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария- эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан рухсат олинганидан сўнг, шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган хантал мойига нисбатан РЕМД қўлланилмайди
3.1.3.	Хантал (зираворлар)	35,0	
3.1.4.	Ёғ-мой маҳсулотларида ёғ-кислоталарининг транс изомерлари	20,0	

3.2. Тропан алкалоидлари

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг		Изоҳ
		Атропин	Скополамин	
3.2.1.	Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун тарик, жўхори, гречка, маккажўхори ёки уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ўз ичига олган бошоқли ўсимликлар асосидаги болалар озиқ- овқат маҳсулотлари ва қайта ишланган маҳсулотлар	1,0	1,0	Ҳосила маҳсулотларига ушбу дон маҳсулотларининг 80% дан кам бўлмаган миқдорини ўз ичига олган маҳсулотлар киради бунда, РЕМД сотувга чиқарилган маҳсулотга нисбатан қўлланилади
		Атропин ва скополамин йиғиндиси		Атропин ва скополамин йиғиндиси учун РЕМД қуйи чегаравий концентрацияларга тегишли бўлиб, бу концентрациялар миқдорий аниқлаш чегарасидан паст бўлган барча қийматлар нолга тенг деб ҳисобланиши асосида аниқланади
3.2.2.	Ишлов берилмаган тарик ва жўхори донлари	5,0		РЕМД сотувга чиқарилган, дастлабки қайта ишлаш босқичидан олдин бўлган ишлов

			берилмаган ғалла донларига нисбатан қўлланилади
3.2.3.	Ишлов берилмаган маккажўхори донлари	15	Фақат нам усулда майдалаш (крахмал ишлаб чиқариш) жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган ишлов берилмаган маккажўхори донлари мустасно. РЕМД қайта ишланмаган маккажўхори донларига нисбатан қўлланилади.
3.2.4.	Ишлов берилмаган гречка донлари	10	РЕМД қайта ишланнинг биринчи босқичидан олдин сотувга чиқарилган қайта ишланмаган гречка донига нисбатан қўлланилади
3.2.5.	Кейинги тайёрлаш учун маккажўхори, истеъмолчи учун сотувга чиқарилган тариқ, жўхори ва маккажўхори, тариқ, жўхори ва маккажўхорини майдалаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар	5,0	
3.2.6.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган гречка, гречкани майдалаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар	10	
3.2.7.	Ўсимлик тиндирмалари (курук маҳсулот) ва ўсимлик тиндирмалари учун ишлатиладиган ингредиентлар (курук маҳсулот)	25	Ўсимлик тиндирмаларига (курук маҳсулотларга) қуйидагилар киради: ўсимликлардан тиндирмалар (суюқ маҳсулот) тайёрлаш учун ишлатиладиган ўсимликларнинг гуллари, барглари, поялари, илдизлари ва бошқа қисмларидан (пакетларда ёки сепиладиган кўринишда) ўсимликлардан тайёрланадиган тиндирмалар (курук маҳсулот);

			тез эрувчи ўсимликлардан тайёрланадиган тиндирмалар. Кукунли экстрактлар бўлса, концентрация коэффициенти 4 қўлланилиши керак (бундан 3.2.8 бандида келтирилган маҳсулотлар мустасно).
3.2.8.	Ўсимликлардан тайёрланган тиндирмалар (курук маҳсулот) ва фақат арпабодиён (анис) уруғидан ўсимлик тиндирмалари учун ишлатиладиган ингредиентлар (курук маҳсулот)	50	Ўсимлик тиндирмаларига (курук маҳсулотларга) қуйидагилар киради: ўсимликлардан тиндирмалар (суюқ маҳсулот) тайёрлаш учун ишлатиладиган ўсимликларнинг гуллари, барглари, поялари, илдизлари ва бошқа қисмларидан (пакетларда ёки сепиладиган кўринишда) ўсимликлардан тайёрланадиган тиндирмалар (курук маҳсулот); тез эрувчи ўсимликлардан тайёрланадиган тиндирмалар. Кукунли экстрактлар бўлса, концентрация коэффициенти 4 қўлланилиши керак.
3.2.9.	Ўсимликлардан тайёрланган тиндирмалар (суюқ маҳсулот)	0,20	

3.3. Синил кислотаси, шу жумладан цианоген гликозидларга боғланган синил кислотаси

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг	Изоҳ
3.3.1.	Якуний истеъмолчига мўлжалланмаган ишлов берилмаган бутун, майдаланган, эзилган, кукун ҳолатига келтирилган зиғир уруғи	250	РЕМД пресслашдан қолган мойли уруғлар сотувда озиқ-овқат сифатида сотилмаслик шарти билан, нефтни майдалаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган мойли

			уруғларга нисбатан белгиланмайди
3.3.2.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган, ишлов берилмаган бутун, майдаланган, эзилган, кукун ҳолатига келтирилган зиғир уруғи	150	Бунда, якуний истеъмолчи учун мўлжалланмаган ишлов берилмаган бутун, майдаланган, эзилган, кукун ҳолатига келтирилган зиғир уруғларининг ёрлиғига туширилган «Фақат озиқ- овқат ва нон ҳамда қандолат маҳсулотлари учун фойдаланинг!» ҳамда «Хом ҳолатда истеъмол қилманг!» маҳсулотлари бундан мустасно
3.3.3.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган, ишлов берилмаган бутун, майдаланган, қайта майдаланган, эзилган, кукун ҳолига келтирилган бодомлар	35	Бунда, якуний истеъмолчи учун мўлжалланмаган ишлов берилмаган бутун, майдаланган, эзилган, кукун ҳолатига келтирилган аччиқ бодомларнинг ёрлиғига туширилган «Фақат озиқ- овқат ва нон ҳамда қандолат маҳсулотлари учун фойдаланинг!» ҳамда «Хом ҳолатда истеъмол қилманг!» маҳсулотлари бундан мустасно
3.3.4.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган, ишлов берилмаган бутун, майдаланган, кукун ҳолатига келтирилган, эзилган, қайта майдаланган ўрик уруғи	20,0	Бунда, якуний истеъмолчи учун ишлов берилмаган бутун, майдаланган, қайта майдаланган, эзилган, майдаланган ўрик уруғларини сотувчи жисмоний ва юридик шахс, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария- эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси талабига биноан сотилган маҳсулотнинг РЕМДга мувофиқлигини

			тасдиқловчи хужжатларни этиши шарт	тақдим
3.3.5.	Маниоки илдизи (янги, тозаланган)	50,0		
3.3.6.	Маниоки уни ва тапиоки уни	10,0		
3.3.7.	Шару (маниоки бўлаклари (хлопьяси))	2,0		

3.4. Пирролизидин алкалоидлари

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, $\mu\text{г/кг}$	Изоҳ
		РЕМД қуйидаги 21 пирролизидин алкалоидлари йиғиндисининг пастки чегарасига тўғри келади: intermedin/likopsamin, intermedin-N-oksid/likopsamin-N-oksid, senetsionin/senetsivernin, senetsionin-N-oksid/senetsivernin-N-oksid, senesifillin, senesifillin-N-oksid, retrorsin, retrorsin-N-oksid, eximidin, eximidin-N-oksid, laziokarpin, laziokarpin-N-oksid, senkirkin, yevropin, yevropin-N-oksid, geliotrin va geliotrin-N-oksid; юқорида аниқланган 21 та пирролизидин алкалоидларидан бири ёки бир нечтаси билан биргаликда элуция қилиниши маълум бўлган қуйидаги қўшимча 14 та пирролизидин алкалоидлари, ҳозирда қўлланилаётган баъзи аналитик усуллардан фойдаланган ҳолда: inditsin, exinatin, rinderin (likopsamin/ intermedinom билан биргаликдаги элуцияси), inditsin-N-oksid, exinatin-N-oksid, rinderin-N-oksid (likopsamin-N-oksidom/intermedinom-N-oksid билан биргаликдаги элуцияси), integerrimin	Пирролизидин алкалоидлари учун РЕМД концентрациянинг қуйи чегарасига тегишли бўлиб, миқдорий аниқлаш чегарасидан паст бўлган барча қийматлар нолга тенг деб тахмин қилинади

		(senesivernin/senekionin билан биргаликдаги элуцияси), integrimin-N-oksidi (senesivernin-N-oksidi/senekionin-N-oksidi билан биргаликдаги элуцияси), geliozupin (eximidin билан биргаликдаги элуцияси), geliosupin-N-oksidi (eximidin-N-oksidi билан биргаликдаги элуцияси), spartioidin (senesifillin билан биргаликдаги элуцияси), spartioidin-N-oksidi (senesifillin-N-oksidi билан биргаликдаги элуцияси), usaramin (senesifillin-N-oksidi билан биргаликдаги элуцияси), usaramin (senesifillin билан биргаликдаги элуцияси) retrorsin билан элуцияси), N-oksidi uzaramin (N-oksidiom retrorsin билан биргаликдаги элуцияси). Ишлатилган таҳлил усули ёрдамида индивидуал ва алоҳида аниқланиши мумкин бўлган пирролизидин алкалоидлари миқдорий жиҳатдан аниқланиши ва ҳисобланаётган йиғиндига киритилиши керак	
3.4.1.	Якуний истеъмолчи учун мўлжалланган сотувга чиқариладиган камелина барглари	750	Музлатилган ҳолатда бўлиши назарда тутилмоқда.
3.4.2.	Қуритилган ўтлар	400	
3.4.3.	Бурачник, любисток, маёран ва ореганонинг қуритилган маҳсулоти ва фақат шу қуритилган ўтлардан ташкил топган аралашмалар	1 000	
3.4.4.	Чой (<i>camellia sinensis</i>) ва хушбўй чойнинг (<i>camellia sinensis</i>) қуруқ маҳсулот қисми	150	Қуритилган мевалар ва қуритилган ўтларни ўз ичига олган чойларга нисбатан қўлланилади. «Чойнинг (<i>camellia sinensis</i>) қуритилган

			маҳсулот қисми» чойнинг (<i>camellia sinensis</i>) қуритилган маҳсулот қисми, чойнинг суюқ маҳсулот қисмини тайёрлаш учун ишлатиладиган қуритилган барглар, поялар ва гуллардан (кичик пакетчаларда ёки сепиладиган кўринишда), эрувчи чойлар. Чой кукуни экстракти учун коэффициент сифатида 4 ни қўллаш керак (бундан 3.4.5-бандда кўрсатилган чой ва хушбўй чой мустасно).
3.4.5.	Чой (<i>camellia sinensis</i>), хушбўй чой (<i>camellia sinensis</i>) ва ўсимлик тиндирмаларининг қуруқ маҳсулот қисми, шунингдек, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун ўсимлик тиндирмаларининг қуруқ қисми учун ишлатиладиган ингредиентлар	75	
3.4.6.	Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун чой (<i>camellia sinensis</i>), хушбўй чой (<i>camellia sinensis</i>) ва ўсимлик тиндирмаларининг қуруқ маҳсулот қисми	1,0	
3.4.7.	Ўсимлик тиндирмаларининг ва ўсимлик тиндирмалари учун ишлатиладиган ингредиентларнинг қуруқ маҳсулот қисми	200	Ўсимлик тиндирмаларининг қуритилган маҳсулот қисмига қуйидагилар киради: ўсимлик тиндирмаларининг қуруқ маҳсулот қисмидан гуллар, барглар, поялар, илдизлар ва ўсимликларнинг бошқа қисмларидан (кичик пакетчаларда ёки сепиладиган кўринишда) ўсимлик тиндирмаларининг суюқ маҳсулот қисмини

			тайёрлаш учун ишлатилади; тез эрийдиган ўсимлик тиндирмалари. Кукунли экстрактлар бўлса, концентрация коэффиценти сифатида 4 ни қўллаш керак. Пирролизидин алкалоидларини ўз ичига олган ўсимликларни сотувга чиқариш қатъий миллий қоидаларни бузмасдан амалга ошириш лозим (бундан 3.4.5 ва 3.4.8-бандларда кўрсатилган маҳсулотлар мустасно).
3.4.8.	Ўтли дамламаларнинг куруқ маҳсулот қисми ва ўсимлик дамламаларининг куруқ маҳсулот қисми учун ишлатиладиган ингредиентлар: райбуш, арпадиён (<i>pimpinella anisum</i>), мелисса, мойчечак, тимян, қалампир, ялпиз, лимон вербенаси ва фақат шу куритилган ўтлардан иборат бўлган аралашмалар	400	Ўтли дамламалар (куритилган маҳсулот) га куйидагилар киради: ўт дамламаси (суюқ маҳсулот) тайёрлаш учун ўсимликларнинг гуллари, барглари, поялари, илдизлари ва бошқа ҳар қандай қисмларидан (пакетларда ёки тўкилган ҳолда) фойдаланиладиган ўт дамламалари (куруқ маҳсулот); тез эрийдиган ўт дамламаларига. Кукун шаклидаги экстрактлар учун 4 концентрация коэффиценти қўллаш керак (бундан 3.4.5-бандда кўрсатилган ўсимлик дамламалари мустасно).
3.4.9.	Седана (тмин)	400	
3.4.10.	Таркибида ўсимлик препаратлари бўлган озиқ-овқат қўшимчалари, шу жумладан экстрактлар	400	РЕМД сотувга чиқарилган озиқ-овқат қўшимчаларига нисбатан қўлланилади. Қатъий белгиланган миллий меъёрлар қўлланилишига йўл қўйилади бундан, 3.4.11-бандда кўрсатилган маҳсулотлар мустасно.
3.4.11.	Ўсимлик чанги асосидаги озиқ-овқат қўшимчалари,	500	РЕМД сотувга чиқарилган озиқ-овқат

ўсимлик чанги ва чанг маҳсулотлари	қўшимчаларига нисбатан қўлланилади
---------------------------------------	---------------------------------------

3.5. Опий алкалоидлари

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг	Изоҳ
			Опий алкалоидлари учун РЕМД концентрациянинг қуйи чегарасига тегишли бўлиб, микдорий аниқлаш чегарасидан паст бўлган барча қийматлар нолга тенг деб тахмин қилинади. РЕМД морфин ва кодеин йиғиндисига тегишли бўлиб, бунинг учун кодеин даражасига $0,2$ коэффиценти қўлланилади. Демак, $\text{РЕМД морфин} + 0,2 \times \text{кодеин йиғиндиси}$ га тўғри келади.
3.5.1.	Истеъмолчи учун мўлжалланган бутун, майдаланган ёки янчилган кўкнори уруғи	20	
3.5.2.	Таркибида кўкнори уруғи (мак) бўлган нон ва нон маҳсулотлари ёки уни қайта ишлаш маҳсулотлари	1,5	Нон ва нон маҳсулотлари истеъмолга тайёр газаклар ва ун асосидаги газакларни ҳам ўз ичига олади. Уларни қайта ишлаш маҳсулотлари таркибида камида 80% кўкнори маҳсулоти мавжуд бўлган маҳсулотлар ҳисобланади. Нон ва нон маҳсулотлари, ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат корхонаси нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчига сотувда РЕМДга мос келадиган маҳсулотни жойлаштириш имконини берадиган зарур маълумотларни тақдим этиши шарт. Бу маълумотлар, зарур ҳолларда, таҳлилий

		кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олиши лозим.
--	--	--

3.6. Delta-9-тетрагидроканнабинолнинг (Δ9-TGК) эквивалентлари

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг	Изоҳ
			Delta-9-tetragidrokanabinol (Δ9-THC) эквивалентлари учун РЕМД концентрациянинг куйи чегарасига тегишли бўлиб, миқдорий аниқлаш чегарасидан паст бўлган барча қийматлар нолга тенг деб тахмин қилинади. РЕМД delta-9-tetragidrokanabinol (Δ9-THC) ва delta-9-tetragidrokanabinol кислотаси (Δ9-THCA) йиғиндисига тегишли бўлиб, Δ9-THC сифатида ифодаланади. Δ 9-THCA даражасига 0,877 коэффициент қўлланилади ва РЕМД $\Delta 9\text{-THC} + 0,877 \times \Delta 9\text{-THCA}$ йиғиндисига тегишли (алоҳида аниқланган ва Δ 9-THC ва Δ 9-TGКК миқдорий аниқланган ҳолда).
3.6.1.	Каноп уруғи	3,0	
3.6.2.	Майдаланган каноп уруғи, (қисман) ёғсизлантирилган каноп уруғи ва каноп уруғларини қайта ишлашнинг бошқа маҳсулотлари	3,0	Каноп уруғини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар фақат каноп уруғидан тайёрланган маҳсулотлар ҳисобланади бундан, 3.6.3-бандда санаб ўтилган маҳсулотлар мустасно.
3.6.3.	Каноп уруғи мойи	7,5	

4. Металлар

Т/р	Маҳсулот номи	РЕМД, мг/кг	Изоҳ
4.1. Қўрғошин			
Сабзавот ва мевалар*			
4.1.1.1.	Клюква, қорағат, бузина резавор мевалари, тут	0,20	

4.1.1.2.	Резавор ва майда мевалар	0,10	Клюква, қорағат, мунчоқ ва кулупнай мевалари бундан мустасно.
4.1.1.3.	Бошқа қолган мевалар	0,10	
4.1.1.4.	Илдизмевалар ва ер остида илдизидан ҳосил бўлувчи сабзавотлар	0,10	Картошка учун РЕМД тозаланган картошка учун қўлланилади.
4.1.1.5.	Янги занжабил, янги зарчава (куркума)	0,10	
4.1.1.6.	Скорсонерра (қора рангли илдиз ёки Испан козелетси)	0,30	
4.1.1.7.	Пиёзли ўсимликлар	0,10	РЕМД нам ҳолатдаги вазнга тегишли РЕМД ювилгандан ва истеъмол қилинадиган қисм ажратиб олингандан кейин қўлланилади.
4.1.1.8.	Мевали сабзавотлар	0,050	Мевали сабзавотлар — ер юзасида ўсадиган, шу ўсимликларнинг уруғланган гулларида ҳосил бўладиган сабзавот ўсимликлар
4.1.1.9.	Ширин маккажўхори	0,10	
4.1.1.10.	Оқбош карам ва бошқа крестгулдошлар	0,10	
4.1.1.11.	Баргли сабзавотлар	0,30	РЕМД нам ҳолатдаги вазнга тегишли. РЕМД ювилгандан ва истеъмол қилинадиган қисм ажратиб олингандан кейин қўлланилади, бундан, янги кўкатлар ва истеъмол қилинадиган гуллар мустасно
4.1.1.12.	Стручкалилар	0,10	РЕМД нам ҳолатдаги вазнга тегишли ҳамда РЕМД ювилгандан ва истеъмол қилинадиган қисм ажратиб олингандан кейин қўлланилади
4.1.1.13.	ровоч, колраби, спаржа номли пояли сабзавотлар	0,10	РЕМД нам ҳолатдаги вазнга тегишли ҳамда РЕМД ювилгандан ва истеъмол қилинадиган қисм ажратиб олингандан кейин қўлланилади
4.1.1.14.	Оддий кўзикорин (<i>agaricus bisporus</i>), вешенка (<i>pleurotus ostreatus</i>),	0,30	

	шиитаке кўзикорини (<i>lentinula edodes</i>)		
4.1.1.15.	Ёввойи кўзикоринлар	0,80	
4.1.1.16.	Дуккаклилар	0,1	
4.1.1.17.	Донлар	0,20	

Қуритилган зираворлар

4.1.2.1.	Зираворлар уруғи	0,90	
4.1.2.2.	Мевали зираворлар	0,60	
4.1.2.3.	Пўстлоқдан тайёрланган зираворлар	2,0	
